

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2020.I.16/02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИШОНОВ ДИЛШОД ШАМСИДИНОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

08.00.11 – Маркетинг
08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation of Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Нишонов Дилшод Шамсидинович

Олий таълим рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг
стратегиялари..... 3

Нишонов Дилшод Шамсидинович

Маркетинговые стратегии повышения конкурентоспособности высшего
образования..... 29

Nishonov Dilshod Shamsidinovich

The use of marketing strategies in increasing the competitiveness of higher
education..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИШОНОВ ДИЛШОД ШАМСИДИНОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

08.00.11 – Маркетинг

08.00.05 –Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1514 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Эргашходжаева Шахноза Джасуровна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хамидов Обиджон Ҳафизович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эштаев Алишер Абдуғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., доцент

М.Т. Алиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобат кураши ва TOP рейтинглар юритилиши олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш бўйича изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. «2021 йилда олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар сони 250,7 млн.нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йилга бориб, 262 млн.нафарга, 2030 йилда эса 414 млн. нафар, 2040 йилга эса 594 млн.нафарга етиши кутилмоқда»¹. Бу эса олий таълимда таълим хизмати сифати ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда таълим жараёнини халқаро талабларга мослаштириш, олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишга оид илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида олий таълимда маркетинг хизматларини ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, янгича таълим моделларини шакллантириш, тизимни бозор талабларига мослаштириш асосида бошқариш, олий таълим тизимида қўйилаётган стратегик вазифалар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу соҳада глобал бозор муҳитини яратиш, олий таълим тизими рейтингини ошириш, юқори билим ва малакага эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар илмий фаолиятини яхшилаш ҳамда салоҳиятини ошириш, таълим тизимида замонавий маркетинг концепция ва инновацияларини татбиқ этиш, таълим сифати ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишга устувор даражада қаралмоқда.

Ўзбекистонда замонавий билим ва кўникмаларга эга, илғор фан-техника ютуқларини эгаллаган кадрларни тайёрлашда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида ташкил этилган узлуксиз таълим тизими яратилган. Мамлакатни барқарор ривожлантиришда «кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талабларига мослаштириш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш»² олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ҳисобланади.

Мазкур вазифаларга эришишда, таълим сифатини янада ошириш, таълим жараёнини халқаро талабларга мослаштириш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этиш, олий таълим муассасалари брендини

¹ <https://monitor.icef.com/2018/10/study-projects-dramatic-growth-global-higher-education-2040/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

шакллантириш, олий таълим рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланишда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги принципларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари риволанишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим соҳасида маркетинг муаммолари, таълим хизматларининг ривожланиш тенденциялари, унинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ масалалар Д.Аакер, И.Ансофф, К.Андерсен, Г.Ассэль А.Баззел, Я.Данбар, Е.Дихтль, Г.Картер, Г.Коллинз, Ф.Котлер, Ж.Ж.Ламбен, С.Макконнелл, М.Макдональд, М.Портер, Х.Хершген, С.Хант, Ж.Эванс каби хорижлик олимлар томонидан кенг ўрганилган³.

Рақобат ва рақобатбардошлик муаммолари МДХ мамлакатлари олимларидан А.П.Панкрухин, И.В.Захарова, Сагинова, А.А.Ченцов, Азоев,

³ Аакер Д., Кумар В., Дэй Дж. Маркетинговые исследования. 7-е издание/ Пер. с англ. Под ред. С. Божук. – СПб.: Питер, 2004. – 848 с.; Игорь Ансофф. Новая корпоративная стратегия. При содействии Эдварда Дж. Макдоннелла. – Санкт-Петербург - Москва – Харьков- Минск, 1999; Андерсен К. Маркетинг для современных Робин Гудов...: применяем принципы успешных маркетинговых стратегий в реализации благотворительных программ / Катя Андерсен; пер. с англ. О. В. Мацака. – М.: Эксмо, 2008. – 270 с.; Ассэль Гэнри. Маркетинг: принципы и стратегии: Учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 1999.; Баззел Р.Д., Кокс Д.Ф., Браун Р.В. Информация и риск в маркетинге / Пер. с англ., под ред М.Р.Ефимовой. – М.: Финстатинформ, 1993. – 96 с.; Котлер Ф. Армстронг Г. Основы маркетинга. – М.: Вильямс, 2003.; Котлер Ф. Маркетинг от А до Я: 80 концепций, которые должен знать каждый менеджер. / Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2018.; Kotler Philipp, Fox. Karen F.A. Strategic Marketing for Educational Institutions. – New Jersey, 1985. Р. 7.; Ламбен Ж.Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок. Стратегический и операционный маркетинг. – СПб.: Питер, 2007. – 800 с.; Макдоналд М., Данбар Я. Сегментирование рынка: Практическое руководство / Пер.с 2-го англ. изд.; Предисловие к русскому изданию д. э. и., профессора Голубкова Е. П. – М.: Дело и Сервис, 2002. – 288 с.; Портер М. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2000. – С.496; Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг: учеб. пособие / пер. с нем. Макарова А. М. / под ред. Минко И.С. – М.: Высш. шк., 1995. – 225 с; Эванс Дж., Берман Б. Маркетинг. – М.: Сирин, 2000.

Г.Л.Багиев, Е.П.Голубков, А.Ю.Юданов томонидан чуқур ўрганилган⁴.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантириш, жумладан, олий таълим сифатини тубдан яхшилаш, унга маркетинг тизимини жорий этиш масалалари С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Н.Х.Жумаев, А.Ш.Бекмурадов, М.Р.Болтабаев, А.А.Джуманов, Б.Х.Рахимов, И.У.Мажидов, Ф.Т.Эгамбердиев, Г.Н.Ахунова, А.Солиев, Х.Раимов, А.А.Маматов, Д.Х.Набиев, А.С.Кучаров, З.Адилова, Қ.Қ.Қуролов, Т.З.Тешабоев, А.О.Очилов, О.С.Қаххоров, Г.Сагдуллаева⁵ ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган. Хусусан, Г.Н. Ахунова томонидан таълим хизматлари самарадорлигини ошириш, Д.Х. Набиев томонидан глобаллашув ва модернизациялаш шароитида таълимда маркетингни бошқариш масалалари, А.Очиловнинг илмий тадқиқот ишида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш, Т.Тешабоев томонидан олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170929648 «Ўзбекистон таълим стандартларининг жаҳон стандартларига интеграциялашув механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.)

⁴ Панкрусин А.П.Маркетинг образовательных услуг в высшем и дополнительном образовании. – М.Интерпракс, 1995.-240 с.;Захарова И.В. Маркетинг образовательных услуг. / И.В. Захарова. – Ульяновск: УлГТУ, 2008.; Сагинова О.В. Управление процессами глобализации образования в высшей школе России (теория, методология, практика). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М., 2006; Ченцов А.А. Инновационные стратегии на рынке образовательных услуг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. эконом. наук. – М., 1998.

⁵ Гулямов С.С., Гойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И., Мирбабаев Ф.А. Наука и образование: интеграция и взаимодействие. В сб. статей Международная конференции “Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны” (Ташкент, 16-17 февраля 2012 г.). – Т., 2012. С. 86-88; Ходиев Б.Ю. Приоритеты развития высшего образования. Там же, с. 36-40; Жумаев Н.Х., Бекмурадов А.Ш. Модернизация системы и содержания высшего экономического образовани в контексте инновационного развития экономики Узбекистана. Там же, с. 88-90; Бекмурадов А.Ш. Университетская автономия. // Экономическое обозрение, 2007, № 1, с. 17-18; Джуманов А.А. Повышение научно-инновационного потенциала высших учебных заведений: опыт международного Вестминстерского университета в Ташкенте. В сб. статей Международная конференции “Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны” (Ташкент, 16-17 февраля 2012 г.). – Т., 2012. С. 83-84; Рахимов Б.Х., Мажидов И.У. Роль профессионального образования в модернизации страны. Там же, с. 41-43; Эгамбердиев Ф.Т., Мухитдинова Н.К. Непрерывность образования и науки как базовое условие при формировании инновационной экономики. Там же, с. 94-95; Ахунова Г.Н. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари (монография). – Т.: Иқтисод-молия, 2005. – 244 б.; Солиев А. Маркетинг. Бозоршунослик. – Т.: ART-FLEX, 2008.; Набиев Д.Х. Маркетинг в сфере образования (монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 208 б.; Кучаров А.С. Экономико-организационные основы подготовки специалистов с высшем образованием для сферы предпринимательства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени док. эк. наук. – Т.: ТГЭУ, 2009; Адилова З. Управление подготовкой экономических кадров в условиях либерализации экономики Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. эк. наук. – Т.: ТГЭУ, 2010; Қуролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2017; Тешабоев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019; Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019; Қаххоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018; Сагдуллаева Г.С. Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2020.

доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълимнинг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

олий таълимнинг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг услубий асосларини ўрганиш;

олий таълим рақобатбардошлигини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлик ҳолатини баҳолаш ва уни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолатини тадқиқ қилиш;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион-корпоратив ҳамкорлигини оширишда маркетинг технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш;

олий таълимнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлик моделини ишлаб чиқиш;

олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари, хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълимнинг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимли таҳлил, таққослаш, статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тақиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасасига юқори малакали мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларни жалб этишда бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда хорижий мутахассислар учун самарадорлик мезонларига кўра рағбатлантириш миқдорини мустақил белгилашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

олий таълим муассасаларида таҳсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга билим олиш ва илм-фанга қизиқишини янада рағбатлантириш ва

молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим кредитини молиялаштириш жамғармасини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда улар томонидан ўқув лаборатория ва махсус асбоб-ускуналар ва жиҳозлар импорт қилинганда божхона божидан озод қилиш таклиф этилган;

таълим кредитини молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш, бакалавр ва магистратурада таълим тили ва шаклини мустақил белгилашнинг олий таълим рақобатбардошлигини оширишга таъсирининг 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

таълим хизматлари бозорида университетлар етакчилигини қўлга киритиш, рақобат позициясини мустаҳкамлашга йўналтирилган стратегик маркетинг бошқаруви тизимининг «бi модели» (internationalization, innovation, interdisciplinary, inclusion, impact, intersectoral) инклюзив таълим ва интернационаллашув омилларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг таълим берувчини таълим олувчига йўналтиришда маркетингнинг “ички” рақобатли устунлик стратегияси орқали харажатларни қисқартириш таклиф этилган;

e-universitet концепцияси асосида илмий тадқиқот фаолияти натижаларини он-лайн платформага (<http://journal.tsue.uz>-янги яратилган платформа) жойлаштириш орқали, олий таълим муассасасининг интернетдаги фаоллиги бўйича (Webometrics-халқаро рейтинг агенлиги рейтингда Web-Impact омили бўйича) халқаро рейтинг агентликларидаги университет имижини мустаҳкамлаш таклиф қилинган;

олий таълимнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида олий таълимга қамровнинг 2030 йилгача прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида олий таълим хизматларига оид статистик маълумотлар манбалари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари ва муайян меъёрий ҳужжатлари, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети амалиётида жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим хизматлари бозорида университетлар рақобат позициясини мустаҳкамлашга йўналтирилган стратегик маркетинг бошқаруви тизимининг интернационаллашув, инновация, фанлараро ўзаро боғлиқлик, инклюзивлик, ўзаро таъсирчанлик, секторлараро ўзаро боғлиқлигининг «бi модели», олий таълим сифатини бошқариш ва рақобатбардошлигини оширишнинг «таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган» маркетинг стратегияси, e–университет концепцияси доирасида ТДИУ профессор-ўқитувчилари илмий тадқиқот

фаолияти натижаларини он-лайн жойлаштириш орқали университетнинг глобал рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф олий таълимнинг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг услубий асосларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Тошкент давлат иқтисодиёт университети рақобатбардошлигини оширишнинг 2030 йилгача белгиланган прогноз параметрлари олий таълим тизимида маркетинг стратегияларини амалга оширишда таълимнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади, шунингдек, олий таълим муассасалари томонидан «Стратегик маркетинг», «Рақобат стратегияси», «Хизматлар маркетинги» фанлари бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим муассасасига юқори малакали мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларни жалб этишда бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда хорижий мутахассислар учун самарадорлик мезонларига кўра рағбатлантириш миқдорини мустақил белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 84-04-1836-сон маълумотномаси). Натижада Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчиларига 200 фоизгача, ходимларига 400 фоизгача рағбатлантириш белгиланган;

олий таълим муассасаларида таҳсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга билим олиш ва илм-фанга қизиқишини янада рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим кредитини молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5203-сон «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 84-04-1836-сон маълумотномаси). Натижада кам таъминланган, иқтисодий қийналган оилалар фарзандларининг жамғарма маблағларидан таълим кредити олган ҳолда олий таълим муассасаларида ўқиш имконияти яратилган;

олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда улар томонидан ўқув лаборатория ва махсус асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар импорт қилинганда божхона божидан озод қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 сентябрдаги ПФ-6318-сон «Хизматлар соҳасини қўллаб-

кувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 84-04-1836-сон маълумотномаси). Мазкур тақлиф натижасида олий таълим муассасалари томонидан 23,7 млрд. сўмлик ўқув лаборатория ва махсус асбоб-ускуналар ва жиҳозлар импортидан 2,1 млрд. сўм божхона божидан озод этилган;

таълим кредитини молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш, бакалавр ва магистратурада таълим тили ва шаклини мустақил белгилашнинг олий таълим рақобатбардошлигини оширишга таъсирининг 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Университет-3.0» Халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 84-04-1836-сон маълумотномаси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йил 23 январдаги 01/14-5955-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2030 йилгача ўқув ва илмий-инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари 11 та, шу жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан ОАК томонидан эътироф этилган маҳаллий журналларда 4 та, ва хорижий журналда 1 та илмий мақола, шунингдек 6 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза тезислари chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 134 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва тадқиқотда қўлланиладиган усуллар, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълимнинг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари, олий таълимнинг

рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ёритилган.

Мамлакатда тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда таълим рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган замонавий маркетинг концепцияси ва принципларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий инновацион маркетинг концепциялари сифатида сўнгги ўн йилликда шаклланган ўзаро муносабатларга асосланган маркетинг ўз таркибига ўзаро алоқадор учта категория: ОЎЮ, профессор-ўқитувчилар жамоаси ва истеъмолчини қамраб олган. Маълумки, давлат, корхоналар ва талаба асосий истеъмолчи сифатида қаралади.

Замонавий инновацион иқтисодиётга маркетинг фаолиятининг бутунлай янги концепцияси – ўзаро муносабатларга асосланган маркетинг концепцияси хос бўлиб, унга кўра корхона (ёки муассаса) ўз фаолияти давомида маҳсулотлар (хизматлар) ва маркетинг усуллари узлуксиз такомиллаштириб бориши керак.

Инновацион маркетинг бозорда инновацион маҳсулотлар, хизматлар ва технологияларни жойлаштиришга тайёрлайди. У комплекс восита ва услубларни қўллайди, тизимга ўз вақтида инновацион маҳсулотлар (хизматлар)ни максимал қўллашга тўғри баҳолаш имкониятини беради. Инновацион маркетинг технологиясини қўллаш инновацияни ишлаб чиқариш билан боғлиқ рискни пасайтиради, бу ўз навбатида, потенциал талабни баҳолаш, бозорнинг мақсадли сегменти ва ишлаб чиқаришни давом эттириш зарур ёки зарур эмаслигини аниқлаш имконини беради. Инновацион маркетинг технологиясини қўллаш корхонага бозорга инновация ёки силжитиш чора-тадбирлари самарали тизимини ишлаб чиқиш имкон беради.

Ф.Котлер ва К.Ф.А. Фокс берган таърифга кўра, таълим хизматлари маркетинги деганда, «олий ўқув юртлари (ОЎЮ)нинг интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида мақсадли бозорларда кадриятларни ихтиёрий равишда айирбошлашни юзага чиқаришни пухта ўйлаб ишлаб чиқилган дастурларни ўрганиш, режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш»⁶ тушунилади. ОЎЮ учун бу ўзаро манфаатли алоқаларни уйғунлаштириш мақсадида таълим муассасалари билан таълим олувчилар, иш берувчилар ўртасидаги айирбошлаш муносабатларини ўрнатиш йўли билан таълим дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашдир.

Маркетинг дастури, нарх шаклланиши, тарқатиш усуллари ва силжитиш тизимига асосланган маркетинг мажмуасида амалга оширилади. Бу мажмуанинг ҳар бир элементи таълим хизматлари истеъмолчиларининг хатти-ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатишини англатади. Нуфузли ОЎЮ таълим хизматлари нархлари юқори бўлишига қарамай, талабасиз қолмайди, дастурларнинг сифати ва таълим муассасасининг бозордаги барқарор мавқеи муҳим аҳамият касб этади.

Таълимнинг кўплаб миллий моделлари мавжуд. Таълимнинг мезонлар

⁶ Kotler Philipp, Fox. Karen F. A. Strategic Marketing for Educational Institutions. – New Jersey, 1985. P. 7.

нуқтаи назаридан ривожланган ва жадал суръатда ривожланаётган мамлакатларда муайян даражадаги фарқ билан фойдаланилаётган таълимнинг учта асосий: Европа, Америка ва Осиё модели мавжуд. Улар тузилиши жиҳатидан қуйидаги асосий мезонларга кўра ўзаро фарқланади:


аниқ тарихий даврда ушбу мамлакат учун таълим тизимини ривожлантиришдан асосий мақсад ва кутиладиган натижа;

таълим тизимини молиялашда давлат ва жамиятнинг иқтисодий имкониятлари;

таълим тизими олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган механизм ва воситалар.

Ўзбекистонда туб ўзгаришлар стратегияси, нафақат маҳаллий кадриятлар, тажриба ва анъаналар, балки илғор хориж тажрибасидан фойдаланишга асосланган. Ўзбекистон миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида юқорида кайд этилган учта таълим модели, аввало, Осиё таълим моделининг элементлари муваффақиятли қўлланилаётган бошқа мамлакатлар ютуқларини ҳисобга олиш ва улардан ижодий фойдаланишга интилоқда.

Олий таълим муассасаси рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи 1-расмда келтирилган.



1-расм. Олий таълим муассасаси рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи*

Таълим муассасасининг рақобатбардошлик даражасини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин⁷:

$$P_d = K_{\text{норм}} \cdot K_{\text{техн}} / \text{нарх}, (1)$$

бу ерда: $K_{\text{норм}}$ – сифатнинг норматив кўрсаткичлари, $K_{\text{техн}}$ – сифатнинг технологик кўрсаткичлари, $K_{\text{нарх}}$ – сифатнинг нарх кўрсаткичлари.

Таълим хизматларининг сифати, бир томондан, таълим мазмуни ва жараёнларининг таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини билдирса,

⁷ Захарова И.В. Маркетинг образовательных услуг. // И.В. Захарова. – Ульяновск: УлГТУ, 2008. 91-б.

* Манба: Муаллиф ишланмаси.

иккинчи томондан, таълим жараёнининг етарли даражада технологиялилигини таъминлашни англатади.

Сифатнинг норматив кўрсаткичлари даражаси икки хил: ёки нолга тенг (стандартларга мувофиқ келмайдиган) ёки бирга тенг (стандартларга мувофиқ келувчи) бўлиши мумкин. Сифатнинг нарх кўрсаткичлари эса нолга тенг бўлиши мумкин эмас, чунки хизматга сарфланган муайян харажатлар қопланиши керак. Бундан кўринадики, таълим хизматлари сифатининг умумий даражаси кўпроқ унинг технологик кўрсаткичларига боғлиқ экан.

XXI асрнинг сўнгги декадасида олий таълим муассасалари глобал макондаги ўзгарувчан муҳитнинг янги талабларига, жамиятдаги ижтимоий миссиясининг самарали ижросини таъминлаш бўйича янги эҳтиёжлар ҳамда фан, технология ва инновациялар (СТИ) шиддатли ривожланиши шароитида етакчилиكنи қўлга киритиш учун мавжуд салоҳият ва ресурсларини оптимал мобилизациялаш, фаолиятининг ривожланиш стратегиясини ўрта ва узоқ муддатга қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Тадқиқотлар тасдиқламоқдаки, ривожланган олий таълим муассасалари тажрибасига мувофиқ стратегик бошқарув тизимининг вектори «бi модели» га асосланган мақсадлар тизими таълим ва илмий тадқиқотлар бозорида университетлар рақобатбардошлигининг бош омили ҳисобланади (2-расм). Бу модель: «интернационаллашув; фанлараро ўзаро боғлиқлик; секторлараро ўзаро боғлиқлик; инновация; ўзаро таъсирчанлик; инклюзивлик каби ўзаро таъсирчан 6 асосий мақсад элементларини мужассамлаштирувчи «Университет 3.0» модели форматидаги ривожланиш тенденциясини мужассамлаштиради»⁸.



2-расм. Ўзаро таъсирчан 6 асосий мақсад элементларини мужассамлаштирувчи «Университет 3.0» модели форматидаги стратегик бошқарув тизимининг иерархияси⁹

Мазкур «бi» модели университетлар таълим хизматларининг миллий ва глобал рақобатбардошлигида фаол позициясини эгаллаш имкониятини яратувчи омиллар арсеналини мужассамлаштиради. Бу модель юқоридан пастга ва пастдан юқорига қайта алоқа каналларига таянади, бу эса

⁸ Antonia Caro-Gonzalez The “6i research model”: evolution of an innovative institutional still policy framework at the university of Deusto // Fteval journal for Research and Technology Policy Evaluation/ JULY 2019, Vol. 48, pp. 105-113.

⁹ Муаллиф ишланмаси

университетда унинг долзарблиги ва фойдаланишни максимал даражада ошириш учун мослашувчан қўллаб-қувватловчи тузилма ва механизмларни яратиш имконини беради.

Бу моделга асосланган ҳолда университет фаолиятини ривожлантириш стратегияси ҳамкорлик учта ҳаракат принципи (секторлараро ўзаро боғлиқлик, инновациялар, ўзаро таъсирчанлик) билан интернационаллашув, туташ фанлараро ўзаро боғлиқлик ва университет ижтимоий миссиясини ифодаловчи инклюзивлик каби 3 асосий ҳамкорлик принципи комбинациясини мужассамлаштиради¹⁰. Демак, университетни стратегик ривожлантиришнинг ушбу принциплари олий таълим муассасасини нафақат миллий, балки глобал масштабдаги рақобатбардошлигини уйғунлаштириш имкониятини яратади.

Олий таълимни молиялаштириш муаммолари хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф номутаносиблигини келтириб чиқарувчи асосий муаммолардар биридир. Ўзбекистонда сўнгги йилларда ОТМларни молиялаштириш бўйича, талабаларнинг тўлов-контракт тизимини тартибга солиш бўйича бир қатор механизмлари яратилмоқда.



3-расм. Таълим сифати ва рақобатбардошлигини таълим кредитини молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш асосида ошириш йўналишлари¹¹

Мазкур ҳолатни эътиборга олган ҳолда олий таълим муассасаларида таҳсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга билим олиш ва илм-фанга қизиқишини янада рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим кредитини молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш

¹⁰ Каро-Гонсалес А., Феррейра-Лопес Л. Университеты в переходный период: модель «6i» для стратегического управления. // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2020. Т. 13. № 1. – С. 217–230. DOI: 10.15838/esc.2020.1.67.13

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

мақсадга мувофиқдир (3-расм).

Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасининг ташкил этилиши барча ОТМлар бакалавриатининг кундузги таълим шаклида ва магистратура босқичида тўлов-контракт асосида тахсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизимини йўлга қўйишни талаб этади.

Диссертациянинг «Олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда олий таълимнинг рақобатбардошлик ҳолати таҳлили, олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тадқиқ этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг реал инновацион-интеграцион ҳамкорлигини оширишда маркетинг технологияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг ривожланиш ҳолати 1-жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари тўғрисида маълумот¹²

Кўрсаткичлар	(ўқув йили бошига)								2021/ 2022
	2000 / 2001	2005 / 2006	2010 / 2011	2015 / 2016	2017 / 2018	2018 / 2019	2019 / 2020	2020/ 2021	
Олий таълим муассасалари сони – жами	61	63	65	69	72	98	119	127	166*
шу жумладан хорижий олий таълим муассасалари филиаллари	-	2	6	7	7	9	24	29	31* ¹³
уларда ўқийдиган талабалар сони, минг киши	183,6	278,7	274,5	264,3	297,7	360,2	441	571,5	808,4 ¹⁴
шу жумладан таълим шакллари бўйича ўқийдиган талабалар сони, минг киши:									
кундузги	141,9	204,8	268,7	263,9	287,5	313	360,1	441,9	553,9
кечки						1,2	7,3	11,5	26,5
сиртки	41,6	73,9	5,8	0,4	10,2	46	73,6	118,1	228,0
10 000 аҳолига нисбатан тўғри келадиган олий таълим муассасалари талабалари сони, киши	74	106	94	84	93	110	130	165	229
Олий таълим муассасаларига қабул қилинган талабалар сони, минг киши	44,7	59,6	64,1	63	63	114,5	138,1	174,9	235,9
Олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар, минг киши	31,6	57,8	76,4	66,3	67,4	70,3	70,8	83,9	103,9

¹² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹³ Кечки таълим шаклини қўшган ҳолда.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари.

2000 йилда мамлакатимизда 61 та олий таълим муассасалари фаолият олиб борган бўлса, 22 йил ичида уларнинг сони 93 тага кўпайиб, улар 154 га етган. 2000 йилда бирорта ҳам хорижий таълим муассасаси йўқ эди, 2020 йилга келиб, уларнинг сони 24 тага етди. 2021 йилда хорижий олий таълим муассасаларининг сони 29 тани ташкил этган бўлса, 2022 йил июнь ойи ҳолатига кўра уларнинг сони 31 тани ташкил этмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021-2022 ўқув йили бўйича маълумотларига кўра, мамлакатда 154 та ОТМ фаолият олиб борган. 2017-2018 ўқув йилидан сиртқи таълим шаклига талабалар қабул қилиниши учун квоталар кўпайтирилган бўлса, 2018-2022 ўқув йилида кечки таълим шакли учун қабул квоталари берилган. 2021-2022 ўқув йили бошига ОТМларнинг талабалари сони 808,4 мингтани ташкил этиб, ўқув йили бошида сиртқи таълим шаклида 228,0 минг талаба, кечки таълим шаклида 26,5 минг, кундузги таълим шаклида 553,9 минг талаба таҳсил олган.

Олий таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари сони 53 та, шу жумладан филиаллар сони 9 тани ташкил этмоқда. Давлат ОТМ сони 79 та (46-ОЎМТВ), филиаллар – 26 та, Академия – 3 та, университет – 28 та, институт – 47 та, нодавлат ОТМ сони – 24 та, хорижий олий таълим муассасалари сони – 31 тани ташкил этмоқда.

Тошкент шаҳрида эса жами ОТМ сони 72 тани, вазирлик тасарруфидаги ОТМ сони – 12 тани ташкил этади. Тошкент шаҳрида давлат ОТМ - 32 та (12-ОЎМТВ), филиаллар-1та, Академия – 3 та, университет – 15 та, институт – 12 та ни ташкил этиб, нодавлат ОТМлар сони – 18 та, хорижий ОТМ сони – 22 тани ташкил этмоқда¹⁵. Барча олий таълим муассасалари, шу жумладан, институт филиаллари ҳам миллий иқтисодиётнинг эҳтиёжларини малакали мутахассислар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу албатта, олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Уларда ўқийдиган талабалар сони 808,4 минг тани ташкил этади. Энг асосийси, таълим шаклида кундузгидан ташқари сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши таълимга эҳтиёжни қондиришда муҳим ўрин тутди. 2021-2022 ўқув йилида сиртқи таълим шаклига 228 минг талаба, кечки таълим шаклида 26,5 минг, кундузги таълим шаклида 553,9 минг талаба таҳсил олади. Жами талабалар сони эса 808,4 мингтани ташкил этган.

Хорижий олий таълим муассасаларидан М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ институти филиаллари, Турин политехника институти, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Халқаро Вестминстер университети, Инха университети, Пучон университети, «ММФИ» Тошкент филиали, Аджу университети, Амита университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Вебстер университети, «МЭИ» Тошкент филиали ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Олий таълим вазирлиги маълумотлари бўйича 2021-

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари, 2021 йил 1 декабрь ҳолатига.

2022 ўқув йилида Ўзбекистонда 22 та хорижий олий таълим муассасалари фаолият юритган.

Олий таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим сифатини янада юқори босқичга олиб чиқиш ва уларнинг халқаро рейтингларга киришига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида сўнгги тўрт йилда олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги эълон қилиб борилади.

Халқаро тажрибага кўра, дунёдаги нуфузли университетлар фаолиятининг асосий бош мезони академик нуфузи, илмий тадқиқот фаолиятининг натижадорлиги ва кадрлар сифатидир. Бу кўрсаткичлар профессор-ўқитувчиларнинг юқори импакт-факторли журналларда мақолалар чоп этиш, иқтибослик кўрсаткичларининг ошиши, инвестицион жозибадорликни ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш, таълим-фан-ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали амалга оширилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, муаллиф томонидан олий таълим муассасасининг илмий салоҳияти ва профессионал таълим берувчилар орасида рақобатни янада ошириш мақсадида юқори малакали мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларни жалб этишда олий таълим муассасаларида ташкил этилган бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда хорижий мутахассислари учун самарадорлик мезонларига (KPI) кўра рағбатлантириш миқдорини мустақил белгилаш таклиф этилмоқда.

Бу эса олий таълим муассасаларида ўқув режада шакллантирилган фан ва курслардан энг малакали мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар ҳамда хорижда бу фан ва курслар бўйича ўқув машғулотлари олиб борадиган малакали ўқитувчиларни жалб қилиш имкониятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда масъул вазирлик ва идоралар томонидан мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда:


олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди;

таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилди;

иш берувчиларнинг миллий сўровномаси жорий этилди;

Европа олий таълим сифати кафолати тармоғи (*ENQA*), Халқаро илмий нашриёт уйи (*Elsevier*) ҳамда нуфузли халқаро рейтинг агентликлари (*QS-Quacquarelli Symonds*, *THE-Times Higher Education*) экспертлари билан бевосита ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Олий таълим муассасасининг илмий салоҳияти бугунги кунда энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва у 4-расмда тасвирланган.



4-расм. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасидаги ОТМларнинг илмий салоҳияти, %¹⁶

Республика ОТМларида илмий салоҳият сўнгги 6 йилда ўртача 8,7 %га ошди: 2017 йил – 30,3 %, 2018 йил – 34,0 %, 2019 йил – 34,1 %; 2020 йил – 34,5 %, 2021 йил – 38 %, 2022 йил 1 январь ҳолатига – 39 % ни ташкил этди.

Таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолияти жонланди ва олий таълим муассасалари сўнгги уч йилда илмий тадқиқот фаолиятдан 2017 йилдаги 49,7 млрд. дан 2020 йилда 193,3 млрд сўмга етди (4 баробарга ошган).

Вилоятлар кесимида ОТМлардаги энг катта илмий салоҳият Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида олий таълим муассасаларининг 2020-2021 йиллардаги илмий салоҳият кўрсаткичлари¹⁷

№	Вилоятлар	Илмий салоҳият, %	
		2020 йил	2021 йил
1.	Тошкент шаҳри	42,5	43
2.	Тошкент вилояти	39,3	41,2
3.	Самарқанд вилояти	37,2	39,1
4.	Наманган вилояти	36,4	38,2
5.	Қорақалпоғистон Республикаси	32,0	35,7
6.	Бухоро вилояти	30,4	34,8
7.	Сирдарё вилояти	29,7	32,2
8.	Андижон вилояти	29,3	31,7
9.	Навоий вилояти	28,4	30,7
10.	Жиззах вилояти	26,2	28,1
11.	Қашқадарё вилояти	25,1	27,1
12.	Хоразм вилояти	23,1	27,2
13.	Фарғона вилояти	22,0	28
14.	Сурхондарё вилояти	19,2	19,7

Профессор-ўқитувчилар ва хорижий ўқитувчилар учун самарадорлик мезонларига кўра рағбатлантириш тизимини жорий этилиши эса, республика

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси материаллари, 2021.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси материаллари, 2021.


олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар улушини ошириш ҳамда таълим муассасаси талабаларига жавоб берадиган юқори малакали, илмий салоҳияти юқори етук мутахассислар жамоасини шакллантиришга асос бўлади.

Мамлакатимизда олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўтган йиллар тажрибасига эътибор қаратилса, олий таълимга қабул қилинган талабаларнинг 75 фоиздан ортиқ қисми тўлов-контракт асосида ўқийди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида таҳсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга билим олиш ва илм-фанга қизиқишини янада рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча олий таълим муассасалари (давлат, нодавлат олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий олий таълим муассасалари ва хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари)да ва қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини ажратиш ўқиш истагидаги барча талабаларнинг илм-фанга қизиқишини янада рағбатлантиради ва молиявий қўллаб-қувватлаган бўлади.

Тадқиқот объекти бўлган Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг талабалар сони 2021/2022 ўқув йилида 17519 нафарни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан 36 фоизга ошган. Университетнинг сўнгги уч ўқув йилида талабалар сони тўғрисидаги маълумотларда ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Хусусан, 2020/21 ўқув йилида жами таҳсил олган талабалар сони 12856 нафарни ташкил этган бўлса, 2019/20 ўқув йилида бу кўрсаткич 7186 нафарни ташкил этган (5-расм).




5-расм. ТДИУ талабалари сони (ўқув йиллари кесимида)¹⁸

¹⁸ ТДИУ маълумотлари асосида тузилган.

Келтирилган расм маълумотларида ўсиш динамикаси бакалаврият, магистратура ҳамда сиртки ва иккинчи таълим йўналишлари мутахассисликларида бирдек ошганлигини кузатиш мумкин.

2021/2022 ўқув йилида университетда жами 785 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритган. Уларнинг асосий штатда фаолият юритганлари сони 513 кишини, ички ўриндошлик асосида университет бошқарувида фаолият юритганлари сони 69 кишини ташкил қилган (6-расм).



6-расм. ТДИУ профессор-ўқитувчилари сони (илмий салоҳияти)¹⁹

Профессор-ўқитувчиларларнинг 73 нафари фан докторлари (DSc), 205 нафари фалсафа фанлари доктори (PhD) ҳамда фан номзодларидир. Университетнинг илмий салоҳияти кўрсаткичи 2021/2022 ўқув йилида 54 фоизни ташкил этган.

Бугунги кунда университетда 5 та, иқтисодиёт, корпоратив бошқарув, халқаро туризм, молия ва бухгалтерия ҳисоби ва рақамли иқтисодиёт факультетлари мавжуд бўлиб, улар 20 та мутахассислик кафедраларини ўз ичига олади. Шунингдек, университет бугунги кунда 28 та таълим йўналиши ва 31 та магистрлик мутахассисликлари бўйича таълим бериб келмоқда.

2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегик режада университетнинг янги ва асосий миссияси қуйидаги кўринишда келтирилган: «Университетнинг миссияси – фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари қаторига кириш асосида миллий иқтисодиётнинг ривожига ҳисса қўшувчи рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлаш» қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида «...республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг

¹⁹ ТДИУ маълумотлари асосида тузилган.

